

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.12.2019.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

ГИЯСИДИНОВ АБДУАЗИЗ ЛУТФИДИНОВИЧ

**ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИНИ НИТРАТ КИСЛОТА АСОСИДА
ФОСФОРЛИ ВА АРАЛАШ ЎҒИТЛАРГА ҚАЙТА ИШЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Гиясидинов Абдуазиз Лутфидинович

Қизилкум фосфоритларини нитрат кислота асосида фосфорли ва аралаш ўғитларга қайта ишлаш технологияси..... 3

Гиясидинов Абдуазиз Лутфидинович

Технология переработки Кызылкумских фосфоритов азотной кислотой на фосфорные и смешанные удобрения..... 21

Гиясидинов Абдуазиз Лутфидинович

Technology of processing Kyzylkum phosphorites with nitric acid to phosphoric and mixed fertilizers 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.12.2019.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

ГИЯСИДИНОВ АБДУАЗИЗ ЛУТФИДИНОВИЧ

**ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИНИ НИТРАТ КИСЛОТА АСОСИДА
ФОСФОРЛИ ВА АРАЛАШ ЎҒИТЛАРГА ҚАЙТА ИШЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/T1054 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Наманган муҳандислик-технология институти ҳамда Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Султонов Боходир Элбекович
техника фанлари доктори, кат.илм. ходим

Расмий оппонентлар:

Шамшидинов Исраилжон Тургунович
техника фанлари доктори, профессор

Эркаев Ақтам Улашевич
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Навоний давлат кончилиқ институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD 03/30.12.2019.К/Т.66.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «8» сентябрь соат 14⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 160115, Наманган шаҳар, Косонсой кўчаси 7. Тел.: (99869) 228-76-75; факс: (99869) 228-76-71; e-mail: nei_info@edu.uz).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (414-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (99869) 228-76-75; факс: (99869) 228-76-71.

Диссертация автореферати 2021 йил «27» «август» куни тарқатилди.

(2021 йил «27» «август» даги 414- рақамли реестр баённомаси).

О.К.Эргашев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., доц.

Д.Ш. Шеркузиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.н., доц.

З.К. Дехканов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доц.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигининг асосий вазифаларидан бири аҳолини етарли даражада озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат. Бу ўринда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришнинг асосий омилларидан бири бўлган кимёвий воситалардан, жумладан минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш зарурдир. Бунда қишлоқ хўжалиги экинларини сифатли ўғитлар билан таъминлаш ва уларни ассортиментини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда азот ва калийли ўғитлар билан биргаликда фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажми ва ассортиментини кўпайтириш, уларни ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Дунёда фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган сифатли фосфат хом ашёлари захирасини излаш, уларни ўрнини босувчи хом ашё захираларини топиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, фосфоритлар ва нитрат кислота асосида турли хил таркибга эга бўлган фосфорли ўғитлар олиш жараёнларини тадқиқ қилиш; паст навли ва чиқинди фосфат хом ашёларини турли усуллар билан фосфорли ва турли аралаш ўғитлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш; ФУ ва ММлар асосида олинган фосфорли ўғитларнинг баъзи физик-кимёвий хоссалари (сочилувчанлик, табиий қиялик бурчаги ва уйма оғирлик) ва товар хоссаларини ўрганиш ҳамда туз таркибини аниқлаш; ФУ ва ММлар фосфат хом ашёларидан олинган фосфорли ўғитлар асосида NP-, PK- ва NPK-туридаги аралаш ўғитлар олиш жараёнларини тадқиқ этиш; фосфорли ўғитларни агрокимёвий синовлардан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Республикамизда маҳаллий фосфоритлар, саноат чиқиндилари асосида азот, фосфор ва калийли, шунингдек мураккаб ва органоминерал ўғитлар ишлаб чиқариш соҳасида муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда кузги шудгорда ёки ғўза ва бошоқли дон экинларини экишдан олдин ва озиклантиришда зарур бўлган фосфорли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича бешта йўналишдаги Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983 сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

«Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини кескин ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида», 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётда Қоратоғ ва Марказий Қизилқум (МК) фосфоритларини нитрат, фосфат, сульфат кислота реагентлари билан қайта ишлаш усули билан оддий фосфорли, аралаш ва комплекс ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича кенг маълумотлар мавжуд (М.Н. Набиев, Б.М. Беглов, Ш.С. Намазов, С.М.Таджиев, А.М. Амирова, Х.Ч. Мирзакулов, А.У. Эркаев, А.М. Реймов, А.Р.Сейтназаров, Б.Э. Султонов, Р.Я. Якубов, И.Т. Шамшидинов, З.К.Дехқанов, М.М. Мирходжаев, Н.В. Волынскова, И.И. Усманов, У.К.Алимов, Б.Б. Содиқов, Д.Ш. Шерқўзиев, М.В. Йўлбарсова). Масалан, С.Б. Мамажанов томонидан Қоратоғ ва Қизилқум фосфоритларини хлорид кислотали қайта ишлаш орқали оддий фосфорли ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган. Ушбу технологияда P_2O_5 микдори катта бўлган фосфат хом ашёси ишлатилган ва кам эҳтиёжга эга $CaCl_2$ эритмалари ҳосил бўлган.

А.М. Реймов, Д.Ш. Шерқўзиев ва М.В. Йўлбарсовалар томонидан ўтказилган илмий тадқиқотлар МК фосфат хом ашёларни нитрат кислота билан парчалаб, олинган нитрокальцийфосфат бўтқаларига сув қўшиб ва ҳосил бўлган суспензияларни газсимон аммиак билан нейтраллаш орқали нитрокальцийфосфат ўғитлар (НКФЎ), қаттиқ ҳолидаги $NP\text{Ca}$ -туридаги ва азоткальцийли суюқ ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва НКФЎ туридаги ўғитларни товар хоссаларини карбамид ёрдамида яхшилашга бағишланган. НКФЎ туридаги ўғитлар ишлаб чиқаришда нитрат кислота сарфи кўп ва нейтраллашда аммиак газидан фойдаланиш ҳамда ўғитни донаторлаш жараёнида катта энергиялар сарф этилади. Қаттиқ ҳолидаги $NP\text{Ca}$ -туридаги ва азоткальцийли суюқ ўғитлар олиш технологиясини соддалаштириш, кислота ва энергия сарфини камайтириш бўйича илмий ишлар олиб борилиши зарур. НКФЎ туридаги ўғитларни товар хоссалари карбамид ёрдамида яхшилаш бўйича ҳам кенг миқёсдаги илмий тадқиқотларни олиб бориш керак.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, паст навли Қизилқум фосфорит уни (ФУ) ва фосфоритларни термик бойитиш технологиясини саралаш босқичида ҳосил бўладиган чиқинди-минераллашган массани (ММ) нитрат кислотали қайта ишлаш ва ҳосил бўлган фосфорли ўғитлар ҳамда ушбу ўғитлар асосида аралаш ўғитлар (NP -, PK - ва PK -туридаги) технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170926269 “Марказий Қизилкум фосфоритлари минераллашган массаси ва ювиб қуритилган концентрати асосида бирламчи ва мураккаб фосфорли ўғитлар олишнинг ресурстежамкор ва юқори самарали технологиясини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Паст навли МК фосфорит уни (ФУ) ва фосфат чиқиндиси бўлган ММ ни нитрат кислотаси билан қайта ишлаб сифатли фосфорли ўғитлар ва улар асосида NP-, РК- ва NPK-туридаги аралаш ўғитлар олишнинг рационал технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қизилкум фосфоритлари ва нитрат кислота асосида турли хил таркибга эга бўлган фосфорли ўғитлар олиш жараёнларини тадқиқ қилиш;

технологик кўрсаткичларнинг фосфорли ўғитларни сифатига таъсирини ўрганиш;

кальцийнитратфосфат кислотали бўтқа ва суспензияларнинг реологик хоссаларини тадқиқ этиш;

ФУ ва ММ лар асосида олинган фосфорли ўғитларнинг баъзи физик-кимёвий хоссалари (сочилувчанлик, табиий қиялик бурчаги ва уйма оғирлик) ва товар хоссаларини ўрганиш ҳамда туз таркибини аниқлаш;

ФУ ва ММ фосфат хом ашёларидан олинган фосфорли ўғитлар, азотли ва калий компонентлар асосида NP-, РК- ва NPK-туридаги аралаш ўғитлар олиш жараёнларини тадқиқ этиш;

фосфорли ўғитларни агрокимёвий синовлардан ўтказиш;

ФУ ва ММ ларидан фосфорли, NP-, РК- ва NPK-туридаги аралаш ўғитлар олишнинг технологик тизимини ишлаб чиқиш, моддий баланси ва техник иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш;

тажриба-саноат ишлаб чиқариш шароитида фосфорли ўғит ва NP-, РК- ва NPK-туридаги аралаш ўғитлар олиш технологияларини синовдан ўтказиш ва янги маҳсулотларнинг тажриба партиясини ишлаб чиқариш ҳамда жараённинг асосий технологик катталикларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида минераллашган масса (ММ) ва фосфорит уни (ФУ), кальций гидроксид, кальцийнитратфосфат кислотали бўтқа, фосфорли ўғит суспензияси, эримайдиган қолдиқ (ЭК), фосфорли ўғит, NP-, РК- ва NPK-туридаги аралаш ўғитлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети ФУ ва ММ фосфат хом ашёларини нитрат кислота билан парчалаш орқали олинган маҳсулотларни тўғридан-тўғри кальций гидроксид суспензияси билан нейтраллаб фосфорли ўғит ва улар асосида аралаш ўғитлар олишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда кимёвий, физик-кимёвий таҳлилнинг сканерловчи электрон микроскоп (SEM - EVO MA 10 (Zeiss, Germany)), элемент таҳлил учун (Energy-Dispersive x-ray

spectrometer (EDS-Oxford Instrument)) ва рентгенофазали усулидан («Panalytical Empyrean» (Нидерландия)) фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ФУ ва ММ ларни нитрат кислотаси билан дикальций фосфат ҳосил бўлиши учун ҳар хил меъёрларда парчаланиш жараёнлари асосланган;

турли ҳароратларда кальцийнитратфосфат кислотали бўтқа ва фосфорли ўғит суспензияларининг реологик хоссалари аниқланган;

турли омилларни (сувнинг миқдори ва ҳарорати, кальций нитрат концентрацияси ва миқдори) фосфорли ўғит сифат кўрсаткичларига таъсири исботланган;

ФУ ва ММ лардан олинган фосфорли ўғитларнинг физик-кимёвий ва товар хоссалари аниқланган;

фосфорли ўғит, аммоний нитрат ва калий хлориддан фойдаланиб NP-, РК- ва NPK-туридаги аралаш ўғитларни олиш жараёнлари, уларнинг физик-кимёвий ва товар хоссалари ҳамда туз таркиблари аниқланган;

фосфорли ўғитлар, NP-, РК- ва NPK-туридаги аралаш ўғитлар замонавий таҳлил усулларида фойдаланиб уларнинг элемент таркиблари аниқланган;

ФУ ва ММ фосфат хом ашёларидан фосфорли ўғит, NP-, РК- ва NPK-туридаги аралаш ўғитлар олишнинг материал оқими, иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобланган ва технологик схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Паст навли юқори карбонатли МК фосфат хом ашёларини нитрат кислота билан парчалош маҳсулотларидан фосфорли ўғит олишнинг мақбул шароитлари аниқланган, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги асосланган ва принципиал технологияси ишлаб чиқилган;

ФУ ва ММ асосида олинган фосфорли ўғит, азот ва калийли компонентлар асосида NP-, РК- ва NPK-туридаги аралаш ўғитлар олишнинг мақбул шароитлари аниқланган, иқтисодий самарадорлиги ҳисобланган ва принципиал технологияси ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари лаборатория тажрибалари ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ФУ ва ММ туридаги фосфат хом ашёларини нитрат кислотасининг ҳар хил концентрация ва меъёрларида парчалош жараёнларининг умумий қонуниятлари очиқ берилганлиги, парчалошнинг мақбул шароитларини топиш ва фосфорли ўғитлардан кальций нитратни ажратиш олиш жараёнларини тадқиқ этиш билан ва яхши физик-кимёвий ҳамда товар хоссаларига эга бўлган янги фосфорли ва NP-, РК- ва NPK-туридаги аралаш ўғитлар технологиясини яратишга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, паст навли юқори карбонатли Қизилқум фосфоритларини термик бойитишни саралаш босқичида ҳосил бўладиган фосфат чиқиндиси (ММ) ва ФУни нитрат кислотаси билан парчалош маҳсулотларини кальций гидроксид билан

нейтраллаб фосфорли ўғитлар олиш ҳамда аммоний нитрат ва калий хлориди асосида сифатли концентранган NP-, PK- ва NPK-туридаги аралаш ўғитлар олишнинг рационал технологияси ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий МК фосфат хом ашёларидан тўғридан-тўғри оддий фосфорли ўғит ҳамда ушбу фосфорли ўғит, азот ва калийли компонентлар асосида сифатли аралаш ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқишнинг илмий натижалари асосида:

фосфат хом ашёлар (ММ ва ФУ) ва нитрат кислота асосида тўғридан-тўғри фосфорли ўғит-олиш технологияси Навоий шаҳридаги “Elektrokimyozavod” ҚК АЖ нинг амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган (“Elektrokimyozavod” ҚК АЖ нинг 2021 йил 14 июндаги 115 сон маълумотномаси). Натижада таркибида P_2O_5 миқдори анча катта бўлган ҳамда қишлоқ хўжалиги талабларига мос келадиган фосфорли ўғитлар олиш имконини берган.

ММ асосида олинган фосфорли ўғит, аммоний нитрат ва калий хлориди асосида NP-, PK- ва NPK-туридаги аралаш ўғитлар олиш технологияси “Elektrokimyozavod” ҚК АЖ нинг амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган (“Elektrokimyozavod” ҚК АЖ нинг 2021 йил 14 июндаги 115 сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалиги талабларига мос келадиган сифатли ва самарадор бўлган NP-, PK- ва NPK-туридаги аралаш ўғитлар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий ишлар чоп этилган. Жумладан, диссертациянинг (PhD) асосий илмий натижалари 6 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118-бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва мавзуси тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши берилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистон фосфоритларини фосфорли, комплекс ва аралаш ўғитларга қайта ишлаш» деб номланган биринчи бобида турли фосфат хом-ашёларини тавсифи, фосфоритларни ўғитларга қайта ишлаш, уларни кислотали қайта ишлаб фосфорли, комплекс ва аралаш ўғитлар олиш усуллари танқидий таҳлил қилинган. Ушбу таҳлил бўйича хулосалар келтирилган. Илмий материални таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот объектларини тавсифи ва тажрибаларни бажариш усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқ этилаётган фосфат хом ашёларни асосий кимёвий таркиблари, физик-кимёвий ва механик хоссалари, тажриба ва хом ашёлар ҳамда олинган ўғитларни кимёвий таҳлилларни ўтказиш усуллари ҳамда тадқиқотнинг физик-кимёвий усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «Марказий Қизилқум фосфоритларни нитрат кислота асосида фосфорли ўғитларга қайта ишлаш жараёнлари» деб номланган учинчи бобида фосфат хом ашёларни нитрат кислота ёрдамида фосфорли ўғитларга қайта ишлаш жараёнларига технологик катталикларни таъсири, фосфорли ўғитлардан кальций нитратни ажратиб олиш жараёнларини тадқиқи, нейтралланган ва нейтралланмаган кальцийнитратфосфат кислотали бўтқа ва суспензияларни реологик хоссалари, фосфорли ўғитларни физик-кимёвий ва товар хоссалари ҳамда уларнинг физик-кимёвий таҳлили, ММ ва ФУни нитрат кислотали қайта ишлаб фосфорли ўғит олишнинг материал оқими, технологик схемаси ва иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

Лаборатория тадқиқотларини бошида МҚ фосфоритларни термик усул орқали бойитиш технологиясини саралаш босқичида ҳосил бўлган фосфатли чиқинди–ММ дан фойдаланилди. Бу фосфат хом ашёларни парчалаш учун “МАХАМ СИРСИҚ” АЖ корхонасида ишлаб чиқариладиган нитрат кислотадан фойдаланилди. Нитрат кислотани концентрациясини 30,0 дан 58,78% гача бўлган оралиқда олинди. HNO_3 ни минераллашган массадаги (ММ) CaO ни CaHPO_4 га ўтказишга нисбатан стехиометрик меъёри 100% деб олинди. ММни нитрат кислотани паст концентрацияларида (30-45%) парчаланганда катта ҳажмдаги кўпиклар пайдо бўлганлиги кузатилди, аммо унинг юқори қисми концентрацияларида (50,0-58,78%) эса ҳосил бўлган кўпиклар ҳажми технологик жараёнларни мўътадил кетишига деярли ҳалақит бермади ва лаборатория тажрибалари осон ҳолда олиб борилди. Аммо юқори концентрацияли HNO_3 ишлатилганда эса кам ҳаракатчан кальцийнитратфосфат кислотали бўтқалар ҳосил бўлади ва уларни бир-биридан ажратишни қийинлаштиради ҳамда филтрланишни ёмонлашишига олиб келади. Ушбу ҳолатни бартараф этиш учун ҳосил бўлган нитрат кислотали бўтқаларга унинг таркибидаги сувнинг миқдори 70-75% бўлиши учун сув қўшилади. Бунда олинган фосфорли ўғит намуналаридаги P_2O_5 ва CaO ларни нисбий ўзлашувчан миқдорлари 50% дан кам бўлганлиги учун қишлоқ хўжалиги томонидан қўйилган талабларга жавоб бермайди. Бундан

ташқари фосфат хом ашёсидаги P_2O_5 нинг 24,05 дан 25,75% гача миқдори суюқ фазага чиқинди сифатида ўтиб кетади. Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида кейинги лаборатория тажрибаларида P_2O_5 нинг чиқинди сифатида пайдо бўлишини максимал даражада камайтириш учун ҳосил бўлган кальцийнитратфосфат кислотали суспензияни $Ca(OH)_2$ суспензияси билан рН қиймати 4,5 гача нейтралланди ҳамда олинган фосфорли ўғитлардаги P_2O_5 ва CaO ларнинг нисбий ўзлашувчан миқдорларини ошириш учун нитрат кислота меъёри 110% гача оширилди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган. 30%-ли нитрат кислота ишлатилганда олинган ўғит намунасидаги $P_2O_{5\text{умум}}$ нинг миқдори 22,87% га тенг бўлади. P_2O_5 ни суюқ фазага ўтиши, яъни уни исроф бўлиши бор-йўғи 2,29% ни ташкил этади. Бунда $P_2O_{5\text{ўзл}}$ ва $CaO_{\text{ўзл}}$ нинг шакллари миқдорлари мос равишда 12,69 ва 23,30% ларга тенг бўлади. Ушбу шаклларнинг нисбий миқдорлари эса мос равишда 55,49 ва 60,61% ни ташкил этади. Кислотани концентрацияси 58,78% бўлганда олинган ўғит намунасидаги $P_2O_{5\text{умум}}$ нинг миқдорини бир оз


1-жадвал

Ca(OH)₂ билан нейтралланган ҳолда олинган фосфорли ўғитларни кимёвий таркиби

Кимёвий таркиб, %							
$P_2O_{5\text{умум}}$	2-% ли лим. кис-си бўйича $P_2O_{5\text{ўзл}}$	$P_2O_{5\text{с.э}}$	$CaO_{\text{умум}}$	2-% ли лим. кис-си бўйича $CaO_{\text{ўзл}}$	$CaO_{\text{с.э}}$	N	P_2O_5 ни суюқ фазага ўтиш даражаси, %
HNO₃ концентрацияси – 30,0%							
22,87	12,69	2,30	38,44	23,30	3,80	1,50	2,29
HNO₃ концентрацияси – 35,0%							
22,79	12,80	2,34	38,51	23,46	3,90	1,55	2,27
HNO₃ концентрацияси – 40,0%							
22,63	12,93	2,37	38,68	23,68	4,01	1,59	2,24
HNO₃ концентрацияси – 45,0%							
22,51	13,05	2,41	38,89	23,94	4,11	1,63	2,21
HNO₃ концентрацияси – 50,0%							
22,40	13,19	2,45	39,10	24,20	4,20	1,67	2,19
HNO₃ концентрацияси – 55,0%							
22,30	13,35	2,49	39,35	24,50	4,30	1,71	2,16
HNO₃ концентрацияси – 58,78%							
22,21	13,46	2,52	39,46	24,67	4,47	1,74	2,13

камайиши кузатилади ва у 22,21% га тенг бўлади. P_2O_5 ва CaO ни ўзлашувчан шаклларининг нисбий миқдорлари мос равишда 60,60 ва 62,52% га тенг бўлади. Ушбу ўғитларнинг намуналари $P_2O_{5\text{умум}}$ ва нисбий ўзлашувчан шакллар бўйича қишлоқ хўжалиги талабларига тўлиқ жавоб беради ва бундай турдаги фосфорли ўғитлар ушбу соҳада муваффақиятли қўлланилиши мумкин. Кейинги тадқиқотларимизда эса фосфорли ўғитлар олиш учун фосфорит ундан (ФУ) фойдаланилди. Бунда худди ММ даги каби умумий қонуниятлар кузатилди. Аммо ММ ва ФУ асосида олинган

фосфорли ўғитлар таркибидаги $P_2O_{5\text{умум}}$ миқдорлари ўзаро таққосланганда ФУ асосида олинган ўғитда янада кўпроқ миқдорда P_2O_5 борлиги кузатилади. ММ ва ФУ дан олинган фосфорли ўғитлар таркиби мос равишда қўйидаги қийматларга эга бўлади (оғир.,%): $P_2O_{5\text{умум}}$ = 21,83 – 22,40; $P_2O_{5\text{ўзл}}$ = 11,48 – 13,46; $CaO_{\text{умум}}$ = 39,10 – 41,38; $CaO_{\text{ўзл}}$ = 21,21 – 24,67; $CaO_{\text{сув}}$ = 4,00 – 4,37; N = 1,56 – 1,74 ва $P_2O_{5\text{умум}}$ = 26,22 – 26,44; $P_2O_{5\text{ўзл}}$ = 15,07 – 15,09; $CaO_{\text{умум}}$ = 45,60 – 45,85; $CaO_{\text{ўзл}}$ = 26,45 – 27,05; $CaO_{\text{сув}}$ = 4,26 – 4,51; N = 1,78 – 1,85. 1-расмда ММ ва ФУ асосида олинган фосфорли ўғит намуналаридаги $P_2O_{5\text{умум}}$ ни миқдорига бир вақтни ўзида кислота концентрацияси ва парчаланиш вақтининг таъсирлари ҳажмий график кўринишида келтирилган. Графикда келтирилган натижалар кислота концентрацияси ва парчаланиш



1-расм. Фосфорли ўғит намуналаридаги P_2O_5 нинг миқдорига нитрат кислота концентрацияси ва парчалиш вақтининг таъсири: 1-ММ асосида ва 2-ФУ асосида.



вақтини олинган фосфорли ўғит намуналаридаги P_2O_5 нинг миқдорига таъсир этиши кўриниб турибди. Бу катталиклар ичида парчаланиш вақтини кислота концентрациясига нисбатан янада яхшироқ таъсир этиши яққол кўриниб турибди. Масалан, ММ асосида олинган фосфорли ўғит таркибидаги P_2O_5 нинг миқдори парчаланиш вақтини 5 дақиқадан 30 дақиқага оширилганда 2,75% га ортиши, кислота концентрацияси 50,0 дан 58,78% га ортганда эса бор-йўғи 1,01% га ортади (парчаланиш вақти 5 дақиқа бўлганда).

Маълумки, фосфорли ўғитларнинг асосий сифат кўрсаткичларига ($P_2O_{5\text{умум}}$, $P_2O_{5\text{сув}}$ ва $CaO_{\text{ўзл}}$) ювувчи сувнинг миқдори ва ҳароратини таъсири

муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун кейинги тадқиқотларда сувни миқдори ва ҳароратини юқоридаги кўрсаткичларга таъсири ўрганилди. Олинган натижалар асосида $MM(ФУ):H_2O=1,0:2,0$ нисбатни ювишнинг мақбул нисбати ва ювувчи сувнинг ҳарорати $80-90^{\circ}C$ деб қабул қилиш мумкин. Мақбул катталикларда олинган фосфорли ўғитларнинг асосий таркиби қуйидагилардан иборат бўлади (оғир.,%): $P_2O_{5умум.} = 21,60 - 22,65$; 2%-ли лимон кислотаси бўйича $P_2O_{5ўзл.} = 11,43-12,21$; $CaO_{умум.} = 40,89-41,40$; 2%-ли лимон кислотаси бўйича $CaO_{ўзл.} = 22,12-23,07$; $CaO_{сув.} = 4,03 - 4,26$; $N = 1,69 - 1,79$ (ММ асосида) ва $P_2O_{5умум.} = 24,86-26,07$; 2%-ли лимон кислотаси бўйича $P_2O_{5ўзл.} = 13,19-14,08$; $P_2O_{5сув.} = 2,40-2,57$; $CaO_{умум.} = 45,19-45,41$; 2%-ли лимон кислотаси бўйича $CaO_{ўзл.} = 24,56-25,39$; $CaO_{сув.} = 4,25 - 4,48$; $N = 1,78 - 1,90$ (ФУ асосида). Фосфорли ўғитларни $Ca(NO_3)_2$ дан ювилиш даражаси мос равишда $97,80-98,01$ ва $97,75-97,98\%$ га тенг. Ҳосил бўлган кальций нитрат эритмасини концентрацияси $8-10\%$ га тенг. Кейинги тадқиқотларда олинадиган фосфорли ўғит сифатларига ва ҳосил бўладиган кальций нитрат эритмасини концентрациясини юқорироқ қийматларга эга бўлиши учун сув ўрнига кальций нитрат эритмасини турли концентрация ва миқдорлари қўлланилди. $MM : H_2O$ нисбатни $1,0 : 1,5$ дан $1,0 : 3,0$ гача ортиши, яъни сув миқдорини ортиши билан олинган фосфорли ўғит намуналаридаги $P_2O_{5умум.}$ нинг қийматлари $23,69$ дан $24,35\%$ гача ортиши, $P_2O_{5сув.}$ шакли эса $2,21$ дан $2,06\%$ гача, ҳамда $CaO_{сув.}$ ва N лар эса мос равишда $4,20$ дан $3,92\%$ гача ва $1,75$ дан $1,63\%$ гача камайиши кузатилади. Фосфорли ўғитларни кальций нитратдан ювилиши даражаси $97,02$ дан $98,78\%$ гача ортиши кузатилади. Бу шунинг англатадики, нам маҳсулотдан кальций нитратни чиқиб кетиши ҳисобига олинган фосфорли ўғитларни сифати ошади. Кальций нитратнинг турли концентрацияларидан фойдаланилганда ҳам юқоридагидек умумий қонуниятлар кузатилади. Сув ўрнида 5% -ли кальций нитрат эритмасидан фойдаланилганда $MM : Ca(NO_3)_2$ эритмасини нисбати $1,0 : 1,5$ дан $1,0 : 3,0$ гача ортганда ўғитлар таркибидаги $P_2O_{5умум.}$ нинг миқдорлари $23,60$ дан $24,08\%$ гача кўтарилиши, $P_2O_{5сув.}$ шакли эса $2,19$ дан $2,04\%$ гача, ҳамда $CaO_{сув.}$ ва N лар эса мос равишда $4,25$ дан $3,97\%$ гача ва $1,77$ дан $1,66\%$ гача камайиши кузатилади. Фосфорли ўғитларни кальций нитратдан ювилиши даражаси $96,84$ дан $98,56\%$ гача ортиши кузатилади. Олинган тажриба натижаларидан $MM : Ca(NO_3)_2$ эритмасини $1,0:2,0$ нисбатини мақбул нисбат деб олиш мумкин, чунки бу нисбатдан кам қийматларда олинган фосфорли ўғит намуналарида кўп миқдорда кальций нитрат қолиб кетади ва ушбу нисбатдан катта қийматларда эса кўп миқдорларда кальций нитрат эритмаси пайдо бўлади. Бундан ташқари кальций нитрат эритмасини концентрациясини ортиши билан юқорида таъкидланганидек олинган ўғитларнинг сифати бир оз пасаяди. Бу ҳолат шундан далолат берадики, фосфорли ўғит суспензияларидан кальций нитратни ажратиб олиш учун юқорироқ концентрацияли кальций нитрат эритмаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Кальций нитрат эритмасини энг мақбул концентрацияси деб унинг $10-15\%$ -ли эритмаларини ҳисоблаш мумкин,

чунки бунда нисбатан концентрацияси юқориқ бўлган кальций нитрат эритмалари пайдо бўлади. Бу эритмаларни қаттиқ ўғитларга ёки мақсадли моддаларга айлантириш осон. 2 (а,б)-расмда кальций нитрат концентрацияси ва ММ:Ca(NO₃)₂ нисбатни асосий ва сув билан ювишда ҳосил бўладиган фильтратлар таркибидаги кальций нитрат миқдорига таъсири келтирилган. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, қўшиладиган кальций нитрат концентрациясини ортиши билан ҳосил бўладиган иккала фильтратларда ҳам Ca(NO₃)₂ нинг миқдорлари ортади, ММ:Ca(NO₃)₂ эритмаси нисбатини ортиши билан эса улардаги кальций нитратнинг миқдорлари камаяди. Бунда таркибида 20,70-22,52% тутган Ca(NO₃)₂ фильтратлар аралашмаси ҳосил бўлади. Худди шундай қонуниятлар ФУ асосида бажарилган лаборатория тадқиқотларида ҳам кузатилади.

Ўғитлар олиш жараёнларини автоматлаштириш ва назорат қилишда ҳамда оддий фосфорли ўғит олиш технологиясида ҳосил бўлган фосфорли ўғит



2-расм. Кальций нитрат концентрацияси ва ММ:Ca(NO₃)₂ нисбатни асосий фильтратдаги (а) ва сув билан ювилганда ҳосил бўладиган фильтратдаги (б) Ca(NO₃)₂ миқдорига таъсири.


суспензияларни бир технологик жиҳоздан иккинчи бир технологик жиҳозга ўтказишда уларнинг реологик хоссалари муҳим роль ўйнайди, шунинг учун кейинги тадқиқотларда ММ ва ФУлар асосида олинган нейтралланмаган кислотали фосфорли ўғит ва Ca(OH)₂ билан нейтралланган фосфорли ўғит

суспензияларни реологик хоссалари (зичлиги ва қовушқоклиги) ўрганилди. ММ ва ФУ асосида олинган нейтралланмаган ва нейтралланган фосфорли ўғит суспензияларда умумий қонуниятлар бир хил эканлиги кузатилди. ММ ва ФУ асосида олинган нейтралланмаган ва нейтралланган фосфорли ўғит суспензияларни бемалол бир жиҳоздан бошқа бир жиҳозга ўтказиш мумкин.

Одатда қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ўғитларнинг физик-кимёвий хоссалари (сочилувчанлик, табиий қиялик бурчаги ва уйма оғирлиги) ва товар хоссаси (гигроскопик нуқта) асосий роль ўйнайди. Чунки бу хоссалар бундай турдаги ўғитларни омборхоналарда сақлаш, транспортларда ташиш ва тўғридан-тўғри қўллаш шароитларини белгилайди. ММ ва ФУ асосида олинган фосфорли ўғит намуналарининг гигроскопик нуқталари қуйидагича бўлди: 1-намуна –69,8%ва 2-намуна – 70,6%. Иккита намуналарнинг сочилувчанлик баллари мос равишда 5,4 ва 5,2 га тенг. Бу қийматлар ўн баллик тизимда ўртача сочилувчанликка эга, ўғит намуналарини табиий қиялик бурчаклари 38,2 ва 38,6°. Бу шуни кўрсатадики, ушбу намуналарни ҳаракатчанлиги бир-бирига яқин. Юқоридаги иккита фосфорли ўғит намуналарининг уйма оғирлиги мос равишда 0,521 ва 0,527 г/см³ ларга тенг бўлиб, ишлаб чиқариш заводлари томонидан қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб беради.

Кейинги ишларимизда эса юқорида ишлатилган ММ ва унинг асосида олинган фосфорли ўғитларнинг электрон микроскоп усулда ва уларнинг элемент таркиблари ўрганилди.

Олинган натижалар 3(а,б)-расмларда (ММ ва унинг асосидаги ўғит учун) ҳамда 2-жадвалда келтирилган.



3-расм.ММ (а, а¹) ва унинг асосида олинган фосфорли ўғитнинг (б, б¹) электрон микроскоп кўриниши.


Бу натижалардан кўриниб турибдики, ММ ва унинг асосида олинган ўғитлар таркиби бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади.

2-жадвал

ММ ва унинг асосида олинган ўғитнинг элемент таркиби

ММ													
Элемент	C	N	O	F	Na	Al	Si	P	S	Cl	Ca	Fe	Бошқа.
Оғир.,%	6,04	1,95	37,02	1,31	0,33	0,97	2,41	6,37	0,71	0,06	40,01	0,83	1,99
ММ асосидаги ўғит													
Элемент	C	N	O	F	Mg	Al	Si	P	S	K	Ca	Fe	Бошқа.
Оғир.,%	3,07	2,41	39,22	1,90	0,50	1,52	4,74	9,99	1,51	0,52	30,61	1,46	2,55

Юқорида бажарилган лаборатория тажрибалари орқали фосфат хом ашёсини нитрат кислотали қайта ишлаб фосфорли ўғит олишнинг принципиал технологик тизими таклиф этилди (4-расм).




4-расм. Фосфат хом ашёси ва нитрат кислота асосида фосфорли ўғит олишнинг принципиал технологик схемаси:

1-Нитрат кислотани сақлаш идиши; 2-кислотали насос; 3-нитрат кислота учун вазнли ўлчагич; 4-вазнли кўшувчи тарози; 5-фосфат хом ашёси бункери; 6-фосфоритни парчалаш учун шнекли реактор; 7-аралаштиргич; 8-ботирилган насос; 9-аралаштиргичли реактор; 10-вакуум каруселли фильтр; 11-фильтрат учун тўплагич.

Диссертациянинг «Фосфорли ўғит, азот ва калийли компонентлар асосида аралаш ўғитлар олиш жараёнлари» деб номланган тўртинчи бобида ММ ва ФУ асосида олинган фосфорли ўғит, азот ва калийли компонентлар асосида NP-, PK- ва NPK-туридаги аралаш ўғитлар олиш жараёнларини тадқиқи, уларни олишни йириклаштирилган лаборатория модел қурилмаларида синовдан ўтказиш, аралаш ўғитларни физик-кимёвий таҳлили, гигроскопик хоссалари ва агрокимёвий синовлари, ўғитларни олишни материал оқими ва технологик схемаси ҳамда техник-иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

Тажрибаларни аввалида NP-туридаги аралаш ўғитлар олиш учун ММ асосида олинган фосфорли ўғитга азот тутган компонентлар (NH_4NO_3 , NH_4Cl ва $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$) $\text{N}:\text{P}_2\text{O}_5$ ларнинг 1,0:0,3; 1,0:0,5 1,0:0,7; ва 1,0:1,0 нисбатларда ҳисобланган ҳолда қўшилди. $\text{N}:\text{P}_2\text{O}_5$ нисбати 1,0:0,3 бўлганда NH_4NO_3 , NH_4Cl ва $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ қўлланилганда умумий озуқа компонентлари ($\text{N}_{\text{умум.}} + \text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$) миқдорлари мос равишда 31,44; 25,78 ва 21,97% га тенг. $\text{N}:\text{P}_2\text{O}_5$ нинг бошқа нисбатларида ҳам худди шунга ўхшаш қонуниятлар кузатилади. Маълумки, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ўғитларга бир неча талаблар қўйилади. Бундай талаблардан бири уларнинг таркибидаги фосфорнинг нисбий ўзлашувчан шаклини миқдори 50% дан кам бўлмаслиги керак. Олинган аралаш ўғитлардаги $\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл.}}$ шаклининг нисбий миқдорини $\text{N}:\text{P}_2\text{O}_5$ нисбатларга боғлиқ равишда ўзгариши график кўринишида келтирилган (5-расм). Графикда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, $\text{N}:\text{P}_2\text{O}_5$ нисбатни камайиши билан олинган аралаш ўғитлардаги $\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл.}}$ шаклининг нисбий миқдори ортиб боради ва улардаги ушбу шаклнинг нисбий миқдори 65% дан кам эмас.



5-расм. NP-туридаги аралаш ўғитлардаги $\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл.}}$ шаклининг нисбий миқдорини $\text{N}:\text{P}_2\text{O}_5$ нисбатларга боғлиқ равишда ўзгариши.

Кейинги лаборатория тадқиқотларида NP-туридаги аралаш ўғитлар олиш учун ФУ асосида олинган фосфорли ўғитдан фойдаланилди. Бу ерда ҳам юқоридаги умумий қонуниятлар такрорланади. Аммо ММ ва ФУ асосида

олинган фосфорли ўғитлардан азотли компонентлар билан биргаликда олинган NP-туридаги ўғитлар ўзаро таққосланганда ФУ асосида олинган фосфорли ўғит қўлланилганда олинган ўғитларнинг умумий озуқа компонентларнинг бир оз кўплиги кузатилади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигида $N:P_2O_5$ нисбати 1,0:0,7 ва 1,0:1,0 бўлган аралаш ўғитлар кенг ишлатилганлиги учун биз тарафимиздан олинган NP-туридаги аралаш ўғитлардаги $N:P_2O_5$ нинг 1,0:0,7 ва 1,0:1,0 нисбатларда олинган NP-туридаги аралаш ўғитлардаги асосий компонентларнинг миқдорлари қуйидагича (оғир., %): $P_2O_{5\text{умум.}}$ -9,31-14,20; 2-%ли лим. кислотаси бўйича $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ -6,88-9,87; $CaO_{\text{умум.}}$ - 17,66-26,96; 2-%ли лим.кислотаси бўйича $CaO_{\text{ўзл.}}$ 12,19-17,89 ва $N_{\text{умум.}}$ -11,47-17,27 (ММ асосидаги фосфорли ўғит ишлатилганда) ва $P_2O_{5\text{умум.}}$ -9,77-15,35; 2-%ли лим. кислотаси бўйича $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ -7,29-10,72; $CaO_{\text{умум.}}$ - 17,01-26,71; 2-%ли лим.кислотаси бўйича $CaO_{\text{ўзл.}}$ 11,88-16,56 ва $N_{\text{умум.}}$ -12,18-18,43 (ФУ асосидаги фосфорли ўғит ишлатилганда).

Барчага маълумки, ўсимликларни озиклантиришда NP-туридаги аралаш ўғитлар муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари РК-туридаги аралаш ўғитлар ҳам аввалгисидан қолишмаган ҳолда қўлланилади. Шунинг учун тадқиқотимизнинг бу қисми РК-туридаги аралаш ўғитлар олишга бағишланган. Бундай турдаги ўғитлар олиш тажрибалари NP-туридаги аралаш ўғитлар олиш тажрибалари билан бир хил. Фақат бу ерда калийли компонентлар сифатида KCl ва K_2SO_4 лардан фойдаланилди. Бунда олинган РК-туридаги аралаш ўғит намуналаридаги $P_2O_{5\text{умум.}}$ нинг нисбий ўзлашувчан шаклини миқдори 67-71% оралиғида бўлиб, дастлабки фосфорли ўғитга қараганда (53-56%) каттароқ бўлади.

Кейинги лаборатория тадқиқотларида РК-туридаги аралаш ўғитлар олиш учун ФУ асосида олинган фосфорли ўғитдан фойдаланилди. Бунда ҳам умумий қонуниятлар юқоридаги каби бир хил. Мақбул нисбатларда олинган РК-туридаги аралаш ўғитлардаги асосий компонентларнинг миқдорлари қуйидагича (оғир., %): $P_2O_{5\text{умум.}}$ -15,15-18,09; 2-%ли лим. кислотаси бўйича $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ -10,59-12,66; $CaO_{\text{умум.}}$ - 28,73-34,27; 2-%ли лим.кислотаси бўйича $CaO_{\text{ўзл.}}$ 20,40-24,33 ва K_2O -11,80-16,57 (ММ асосидаги олинган фосфорли ўғит ишлатилганда) ва $P_2O_{5\text{умум.}}$ -16,48-19,98; 2-%ли лим. кислотаси бўйича $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ -11,27-14,32; $CaO_{\text{умум.}}$ - 28,69-33,26; 2-%ли лим.кислотаси бўйича $CaO_{\text{ўзл.}}$ 20,37-23,97 ва K_2O -12,97-18,18 (ФУ асосидаги олинган фосфорли ўғит ишлатилганда).

Юқорида келтирилган умумий натижалардан кўриниб турибдики, NP-ва РК-туридаги аралаш ўғитлардаги озуқа компонентларнинг миқдорлари асосан аралаш ўғитлар олишда ишлатиладиган фосфорли ўғит таркибидаги $P_2O_{5\text{умум.}}$, азотли ва калийли компонентлардаги мос равишда азот ва калийнинг миқдорларига боғлиқ. Лаборатория тадқиқотларини сўнгида эса NPK-туридаги, яъни тўлиқ аралаш ўғитлар олиш жараёнлари ўрганилди. ММ ва ФУ лардан олинган фосфорли ўғитлар иштирокида олинган бундай турдаги ўғитларда ҳам умумий фосфорнинг нисбий ўзлашувчан шаклини миқдори дастлабки фосфорли ўғитдагига қараганда анча катта. Маълумки,

тўлиқ озуқа компонентли ўғитларни, яъни NPK-туридаги аралаш ўғитларни қишлоқ хўжалиги экинларида $N:P_2O_5:K_2O$ нинг 1,0:0,7:0,5 ва 1,0:1,0:1,0 нисбатлари кенг қўлланилади. NPK-туридаги аралаш ўғитлардаги $N:P_2O_5:K_2O$ нинг 1,0:0,7:0,5 ва 1,0:1,0:1,0 нисбатларида олинган аралаш ўғитлардаги асосий компонентларнинг миқдорлари қуйидагича (оғир., %): $N_{умум.}$ -13,09-15,08; $P_2O_{5умум.}$ -10,57-13,07; 2-%ли лим. кислотаси бўйича $P_2O_{5ўзл.}$ -8,04-9,80; $CaO_{умум.}$ - 20,05-21,78; 2-%ли лим.кислотаси бўйича $CaO_{ўзл.}$ 15,43-16,34 ва K_2O -7,54-13,11 (ММ асосидаги олинган фосфорли ўғит ишлатилганда) ва $N_{умум.}$ - 12,23-15,96; $P_2O_{5умум.}$ - 11,19-12,19; 2-%ли лим. кислотаси бўйича $P_2O_{5ўзл.}$ -8,62-9,26; $CaO_{умум.}$ - 19,47-21,28; 2-%ли лим.кислотаси бўйича $CaO_{ўзл.}$ 15,17-16,16 ва K_2O -7,98-12,22 (ФУ асосидаги олинган фосфорли ўғит ишлатилганда).

Кейинги тадқиқотларда олинган аралаш ўғитларни физик-кимёвий таҳлили ва гигроскопик хоссалари ўрганилди. ММ асосидаги фосфорли ўғит, NH_4NO_3 ва KCl асосида олинган NP-, PK- ва NPK-туридаги аралаш ўғитларнинг электрон микроскоп ва элемент ҳамда рентген таҳлиллари шуни кўрсатадики, ушбу аралаш ўғитларнинг элемент ва туз таркиблари бири-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Мақбул шароитларда олинган аралаш ўғитларнинг гигроскопик нуқталари қуйидагича бўлди: NP-ўғитда – 68,2%, PK-ўғитда– 71,8%, 3-намуна NPK-ўғитда– 70,4%. Бу қийматлардан кўриниб турибдики, олинган ўғит намуналари ўртача атмосфера намлигига мос келади, аммо кузги-қишги ва қишки-баҳорги даврларда сақлаш пайтида улар намланади. Шунинг учун уларни полипропилен қопларда сақлаш ва ташиш тавсия этилади. NP-, PK- ва NPK-туридаги аралаш ўғит дозаларининг мустаҳкамлиги мос равишда 4,36; 1,85 ва 5,93 мПа га тенг.

ХУЛОСА

Диссертация ишини бажарилишида олинган асосий илмий ва амалий натижалар қуйидагича:

1. Фосфоритларни юқори ҳароратда бойитишни саралаш босқичида ҳосил бўладиган фосфат хом ашёли чиқинди – ММ ва паст навли Марказий Қизилқум фосфорит унини (ФУ) нитрат кислотаси билан таъсирлаштириш натижасида ҳосил бўлган нитрокальцийфосфат кислотали бўтқани $Ca(OH)_2$ билан нейтраллаб фосфорли ўғит олиш жараёнларини мақбул шароитлари ҳамда ушбу ўғитларни $Ca(NO_3)_2$ дан ювилиш даражаси аниқланган.
2. ММ асосида олинган фосфорли ўғит суспензияларини зичликлари ва қовушқокликлари мос равишда 1,130 дан 1,172 г/см³ га ва 1,93 дан 3,66 сПз гача ҳамда ФУ асосида олинган ўғит суспензияларида эса улар мос равишда 1,141 дан 1,184 г/см³ гача ва 2,00 дан 3,81 сПз гача бўлган оралиқда эканлиги ва бу қийматлар суспензияларни етарли даражада оқувчанлигини таъминлашини кўрсатади.
3. ММ ва ФУ асосида олинган фосфорли ўғит, азот ва калийли компонентлар асосида NP-, PK- ва NPK-туридаги аралаш ўғитлар олиш

тадқиқотлари натижасида аралаш ўғитлар мос равишда қўйидаги таркибга эга (оғир.,%): $N_{\text{умум.}}$ - 14,21; $P_2O_{5\text{умум.}}$ - 14,21; $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ - 9,86; $CaO_{\text{ўзл.}}$ - 17,88, $P_2O_{5\text{умум.}}$ - 16,56; K_2O - 16,56; $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ -11,75; $CaO_{\text{ўзл.}}$ - 22,62 ва $N_{\text{умум.}}$ - 13,09; $P_2O_{5\text{умум.}}$ -13,09; K_2O - 13,09; $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ - 9,82; $CaO_{\text{ўзл.}}$ -16,33 эканлигини кўрсатади.

4. ММ ва ФУ асосида олинган фосфорли ўғитлар, NP-, РК- ва NPK-туридаги аралаш ўғитларнинг гигроскопик нуқталари мос равишда 69,8; 70,6; 68,2; 71,8 ва 70,4% га тенг. NP-, РК- ва NPK-туридаги аралаш ўғит доналарининг мустаҳкамлиги мос равишда 4,36; 1,85 ва 5,93 мПа га тенг эканлигини кўрсатади.

5. ММ асосида олинган фосфорли ўғитни С-8295 навли пахта ва “Бобур” навли буғдой ҳосилдорлигини мос равишда 1,3 ц/га ва 3-5 ц/га ошириши аниқланди. Фосфорли ўғит, NP-, РК- ва NPK-туридаги аралаш ўғитлар олишнинг моддий баланслари ва уларни ишлаб чиқаришнинг технологик тизимлари тавсия этилди.

6. Навоий “Электрокимё завод” АЖ ҚК қошидаги тажриба қурилмасида ММ асосида фосфорли ўғит олиш технологиялари синовдан ўтиб, асосий технологик катталиклари аниқланди ва ушбу ўғитларнинг тажриба партиялари ишлаб чиқарилди. ММ ва ФУ асосида олинган фосфорли ўғитларнинг нархлари оддий суперфосфатга қараганда мос равишда 1,76 ва 1,63 марта арзон ҳамда 1 тонна NP-туридаги аралаш ўғитнинг нархи аммофос ва НКФЎ га нисбатан мос равишда 1,36 ва 1,16 марта арзон эканлигини кўрсатди. 1 тонна РК- туридаги ўғитнинг нархи “Фоскацид” ўғитига нисбатан 1,74 марта ва NPK-туридаги аралаш ўғитининг нархи эса “Аммофос-Махам” АЖ да ишлаб чиқарилаётган худди шундай турдаги NPK-ўғитига нисбатан 1,44 марта арзон бўлишини кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 03/30.12.2019.К/Т.66.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ
ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ГИЯСИДИНОВ АБДУАЗИЗ ЛУТФИДИНОВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ ПЕРЕРАБОТКИ КЫЗЫЛКУМСКИХ ФОСФОРИТОВ
АЗОТНОЙ КИСЛОТОЙ НА ФОСФОРНЫЕ И СМЕШАННЫЕ
УДОБРЕНИЯ**

02.00.13 - Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.2.PhD/T1054.

Диссертационная работа выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте, а также в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета в информационно-образовательном портале «Ziyouet» по адресу www.ziyouet.uz

Научный руководитель:	Султонов Боходир Элбекович доктор технических наук, СИС
Официальные оппоненты:	Шамшидинов Исраилжон Тургунович доктор технических наук, профессор Эркаев Ақтам Улашевич доктор технических наук, профессор
Ведущая организация:	Навоийский государственный горный институт

Защита диссертационной работы состоится «8» сентября 2021 года в «14⁰⁰» часов на заседании цифрового Научного совета PhD. 03/30.12.2019.К/Т.66.02 по присуждению научных степеней при Наманганском инженерно-технологическом институте (Адрес: 160115, г. Наманган, улица Косонсой, 7. Тел.: (99869) 228-76-75; факс: (99869) 228-76-71, e-mail: nei_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирован под № 414). (Адрес: 160115, г. Наманган, ул. Косонсой, 7. Тел.: (99869) 228-76-75; факс: (99869) 228-76-71.

Автореферат диссертации разослан «27» августа 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 414 от «27» августа 2021 года).

Эргашев О.К.

Председатель Научного совета по присуждению
ученой степени, д.х.н., доц.

Шеркузиев Д.Ш.

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученой степени, к.т.н., доцент

Дехканов З.К.

Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н. доц.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире одна из основных задач пищевой промышленности и сельского хозяйства является обеспечение населения достаточным количеством продуктом питания. Поэтому необходимо эффективное использование химикатов, в том числе минеральных удобрений, которые являются одним из основных факторов производства высококачественных сельскохозяйственных культур. При этом важным является обеспечить сельскохозяйственные культуры качественными удобрениями и увеличить их ассортимент. Большое значение имеет увеличение объема и ассортимента производства фосфорных удобрений в сочетании с азотными и калийными удобрениями, а также их разработки технологии производства.

В мире ведутся научные исследования по поиску запасов качественного фосфатного сырья для производства фосфорных удобрений, поиску сырья для его замены. В связи с этим уделяется особое внимание изучению процессов получения фосфорных удобрений различного состава на основе фосфоритов и азотной кислоты; разработка технологии производства различных смешанных и комплексных удобрений на основе низкосортного и отработанного фосфатного сырья различными способами; изучению некоторых физико-химических свойств (рассыпчатость, угол естественного откоса и насыпной вес) и товарных свойств фосфорных удобрений, полученных на основе ФМ и ММ, а также определение солевого состава; изучению процесса получения смешанных удобрений вида NP-, PK- и NPK- на основе фосфорных удобрений, полученных из фосфатного сырья ФМ и ММ; проведению агрохимических испытаний фосфорных удобрений.

В нашей стране достигаются определенные научные и практические результаты в производстве азотных, фосфорно-калийных, а также комплексных и органоминеральных удобрений на основе местных фосфоритов, промышленных отходов. В третьем направлении Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, предусмотренной в 2017-2021 гг. отмечены важные задачи, направленные на «...развитие высокотехнологичных перерабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов...»². В связи с этим целесообразно разработать технологию получения фосфорного удобрения необходимого как для внесения под зяблевую вспашку или перед посевом и подкормкой хлопка и зерновых культур путем использования местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению указанных задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» и ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

